-90395

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси**

3 март, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 45 (1047)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## Д. ҒУЛОМОВАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 2 март.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ВА ИЖТИМОИЙ ҚУРИЛИШИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт масалаларини ҳал қилишга хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофаза этилганлигини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари янги лавозими жорий этилсин ва унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалаларни бошқариш юклансин. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси айни пайтда Бош вазирнинг ўринбосари этиб тайинланади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари тегишли равишда хотин-қизлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимларини жорий этсинлар. Белгилаб қўйилсинки, мазкур лавозимларни тегишли хотин-қизлар қўмиталари раислари эгаллайдилар.

3. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасида — 4 киши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида — 3 киши, шаҳар ҳокимликларида — 2 киши, туман ҳокимликларида — 1 кишидан иборат ишчи органлари тузилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жорий этиладиган лавозимларни ва ишчи органларини таъминлаш учун зарур маблағлар ажратсин.

5. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 2 март.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ СУДЬЯЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий суд судьялари лавозимига тақдим этиладиган номзодлар муҳокамасида Олий Мажлис қўмиталари иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ваколат муддатлари тугаётган Олий суд судьяларининг ваколат муддатлари Олий мажлиснинг навбатдаги сессиясига қадар узайтирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 1995 йил 24 февраль.

## СЕССИЯ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Нукусда, Тошкент педиатрия институтининг Қорақалпоғистон филиалида 1 март куни бўлиб ўтган йиғилишда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси якунлари муҳокама қилинди.***

Республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, Олий Мажлис депутати Ҳ. Ҳамидов йиғилганларга парламентнинг биринчи сессияси иши тўғрисидаги таассуротларини сўзлаб берди. Талабалар, ўқитувчилар парламент сессиясининг Президент ваколатларини 1977 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисида 26 март куни Референдум ўтказиш ҳақидаги қарорини қизғин маъқулладилар.

Йиғилиш қатнашчилари республика тиббиёт институтларининг талабаларига мурожаатнома қабул қилиб, уларни Референдумда фаол иштирок этишга даъват этдилар.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯДА

1995 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссиянинг мажлиси бўлди.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси қарорига мувофиқ ва Референдум тўғрисидаги қонуннинг қоидаларига амал қилиб, асосий тадбирларнинг календарь режасини тасдиқлади. Бу режада аниқ ташкилий-техникавий чора-тадбирлар назарда тутилди ҳамда округ ва участка комиссиялари, тегишли вазирлик ва идоралар, вакиллик ҳокимияти маҳаллий органларининг Референдумни тайёрлаш ва ўтказиш соҳасидаги вазифалари аниқлаб берилди.

Марказий комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари берган таклифларни кўриб чиқиб, Референдумни ўтказувчи округ комиссияларининг таркибини тасдиқлади. Шунингдек, Референдумда овоз бериш учун бюллетенларнинг, бошқа зарур ҳужжатларнинг шакл ва намуналари тасдиқланди.

Мажлисда Референдумни ўтказувчи Марказий комиссиянинг ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(Округ комиссияларининг таркиби газетанинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда).**



*СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ Меҳнатобод туманининг «Янгиер» ижара хўжалигида фермер Омон Ҳамидовни тадбиркор, меҳнатсевар инсон сифатида билишади. У бундан икки йил аввал фермерликка қўл урди. Ёрдамчилари олти ўғли ва қизлари ҳам меҳнатга шай. Ўтган йил кузда О. Ҳамидов давлат қарзларидан қутилиб олди. Хўжалик учун трактор сотиб олгач, юк машинасини 10 йилга ижарага олди. Унинг хўжалигида ҳозир 50 бош қорамол, 25 бош соғин сигир ва қўй-қўзилар бор. Уларни парваришлаш оз меҳнат талаб қилмайди. Улар ўтган йили давлатга бир тонна 700 килограмм гўшт, 14 тонна сут топширдилар. Омон ота болалар боғчасини ўз хўжалиги ҳисобидан сут билан таъминлаяпти, қишлоқ аҳолисига гўштни ярим нархда сотаяпти.*

*СУРАТДА: Омон ота ўғли Жамшид билан.*

**Б. ТЎРАЕВ олган сурат (ЎзА).**

## МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИКНОМАСИ

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Муҳтарам ҳамюртлар, азиз биродарлар, мунис онахонлар ва опа-сингиллар!

Сизларни муборак Рамазон ҳайити байрами билан Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси номидан самимий табриклаймиз, сизларга жонажон диёримиз равнақи йўлида қилаётган барча хайрли ишларингизда Ҳақ Таолонинг ўзидан мадад сўраймиз.

Аллоҳ Таолога беадад шукрлар бўлсинким, Ийд Рамазон ҳайитини баркамол адо этишликка ўзи муяссар айлади. Бу улуғ айёмда қилган ибодатларимиз, хайрли амалларимизни Ҳақ Таоло даргоҳида қабул айлаб, ихлосу эътиқодимизга яраша туганмас хазинаи ғайбиясидан кўпдан-кўп ажру савоблар ато айлаган бўлсин.

Мана, тўрт йилдирки, ҳур диёримиз мусулмонлари Ийд Рамазон ҳайитини мустақиллик соясида зўр шоду хуррамлик билан кенг нишонламоқдалар.

Шунинг учун ҳам мўъмин-мусулмонларимиз Аллоҳ Таологга чексиз миннатдорлик изҳор қилиб доимий равишда ҳамду санолар айтадиларки, Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш тарзи, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топиб бормоқда. Айниқса, ҳукуматимиз, шахсан Президент Ислом ака Каримов жаноблари мусулмонларнинг диний маросимларни камолу ҳуррият билан адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Жумладан, муборак Ҳаж сафарига борувчи ҳожиларимиз учун катта қулайликлар яратилиши ҳамда ҳайит кунларини дам олиш куни қилиб белгиланиши диёримиз мусулмонларига кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик намунасидир.

Биз шуни мамнуният билан қайд этамизки, ҳукуматимизнинг олиб бораётган ички ва ташқи, одилона тинчлик сиёсати ҳамда иқтисодий ислоҳот бўйича кўраётган оқилона чора-тадбирларидан барча мусулмон аҳли беғоят мамнундирлар. Шунинг учун ҳам республика парламенти — Олий Мажлис билан республика ҳукумати — Вазирлар Маҳкамаси ваколат муддатларини мувофиқлаштириш мақсадида ўтказилаётган умумхалқ Референдумига, яъни, муҳтарам Ислом ака Каримов жанобларининг президентлик ваколатлари муддатини узайтириш маслаҳатига бизлар ҳам қўшиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Аллоҳ Таолодан жумҳуриятимизнинг порлоқ истиқболи йўлида ҳормай-толмай фаолият кўрсатиб боришларини дуою илтижолар билан сўраб турибмиз.

Муҳтарам биродарлар, мана шундай саодатли онларда дуога қўл очайлик: Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло ушбу муборак Ийд Рамазон ҳайити ҳурмати бандачилик билан қилган гуноҳларимиз, саҳву хатоларимизни ўзининг фазлу карами ила афву мағфират айласин. Мустақил мамлакатимизнинг халқларига фаровон турмуш, тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат, барча ишларида тавфиқу рушду ҳидоят ато этсин. Президентимиз Ислом ака Абдулғани ўғиллари раҳбарликларида олиб борилаётган хайрли ишлар истиқболли ва баракотли бўлишида Аллоҳ Таоло мададкор бўлсин. Келаси Ийд Рамазон кунларига ҳам соғ-саломатликда, тинчлик ва осойишталикда етиб боришлигимизни Ҳақ Таоло барчаларимизга насибу рўзи айласин.

**Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси.**

## ИСТИҚБОЛ БОШЛАГАН ИШЛАРИМИЗНИНГ НАТИЖАСИГА БОҒЛИҚ

***Куни кеча ўз ишини якунлаган I-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I-сессиясини халқимиз жуда катта қизиқиш билан кузатиб борди. Мазкур машваратнинг ниҳоятда ҳамжиҳатлик билан, кўтаринки руҳда ўтганлиги одамлар кўнглига илиқлик бағишлади.***

***Биз Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини узайтириш бўйича 1995 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш ҳақидаги қарорига фуқароларнинг қандай муносабатда эканлиги билан қизиқдик.***

**Одилжон ХОЛТЎРАЕВ,**
**Тошлоқ тумани автобус-такси парки ҳайдовчиси:**

— Яқинда ўз ишини тугатган Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида келажакдаги фаровон ҳаётимизни, тараққиётимизни белгилайдиган кўплаб фикр-мулоҳазалар, муаммолар ўртага ташланди. Хусусан, Президентимизнинг сессияда қилган маърузаси келажак учун дастуриламалдир. Унда ҳаётимизнинг ҳеч бир қирраси назардан четда қолмаган. Президентимиз ўз маърузасида ҳар бир соҳа мутахассиси ва ҳар бир фуқаро олдига бажарилиши лозим бўлган вазифалар қўйди.

Сессиянинг яна бир муҳим жиҳати шунда бўлдики, унда Президентимиз ваколатларини узайтириш ҳақида умумхалқ Референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу билан ниҳоятда тўғри йўл тутилди. Чунки ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фаровон турмушга эришиш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимизнинг бошида юртбошимиз турибди. Давлатимизнинг келажакдаги истиқболи эса ана шу бошланган улкан ишларнинг натижасига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Референдум ўтказиш ҳаққоний, давр талабига мос, адолатли йўл деб ҳисоблайман.

**Жуманазар СОЛАЕВ,**
**Янгиариқ туманидаги 12-мактаб директори:**

— Ўз ишини якунлаган Олий Мажлиснинг биринчи сессияси мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлди. Халқ хоҳиш-иродаси билан кўппартиявийлик асосида сайланган янги парламент ўзининг дастлабки залворли қадамини қўйди. Бу истиқболли келажак сари ташланган қадамдир.

Президентимизнинг сессияда қилган маърузасида ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларидаги ютуқлар ва муаммолар ўз ифодасини топган. Айниқса, унда маориф, таълим-тарбия ҳақида айтилган гаплар ниҳоятда ўринлидир. Президентимиз боғчадан тортиб олий таълим тизимларигача бўлган ўқитиш ишларини муҳим сиёсий вазифа, деб белгиладилар. Барча дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини миллийлик нуқтаи назардан қайта кўриб чиқишни тавсия этдилар. Бу биз, маориф ходимларининг дилимиздаги гаплардир.

Сессиядаги яна икки нарса диққатимни тортди. Биринчиси, парламентга ҳам кўппартиявийликнинг жорий этилиши, партиялар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органлари блокининг тузилишидир. Эндиликда ҳокимият вакиллик органлари ва партиялар ўз блок ва фракциялари орқали қонунлар ишлаб чиқаришга кўмаклашадилар.

Иккинчидан Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказиш тўғрисида Олий Мажлиснинг қарори катта воқеа бўлди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, тўғри тараққиёт йўлини танлашда, халқимизнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлашда юртбошимиз йўлбошчи бўлди. Республикамизда қисқа муддатда ҳамма соҳаларда юз берган ижобий ўзгаришлар танлаган йўлимиз тўғри ва келажагимиз нурафшон эканлигини исботлади. Юртимиз истиқболи учун қилаётган саъй-ҳаракатларимиз мева бериши учун бошлаган эзгу ишларимизни ниҳоясига етказишимиз керак. Ушбу Референдумни ўтказиш ҳаёт талабидир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.**

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### АНДИЖОНЛИКЛАР — ТОЛДИҚЎРҒОНДА

***Республикамизда ўтган Қозоғистон кунлари вақтида Андижон ва Толдиқўрғон вилояти раҳбарлари ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳақида аҳдлашиб олгандилар.***

Яқинда андижонлик деҳқонлар қўшни Қозоғистонда бўлди. Қозоғистон ҳукумати Толдиқўрғон вилояти ҳудудидан андижонликлар учун ўн минг гектар лалми ер ажратишга қарор қилди.

Вилоят туманларида мутахассис ва механизаторлардан иборат ишчи гуруҳлари Қозоғистонга жўнаш учун тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказмоқда.

### МУЛК ЭГАСИНИ ТОПГАЧ...



**Кузатишлар шуни кўрсатдики, сўнгги икки ой ичида Жиззах такси паркида иш унуми, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти бир неча бор ортди. Бунинг сабаби битта. У ҳам бўлса, корхонанинг ҳиссадорлик жамиятига ўтганида, дейилмоқда. Чунки жамоада меҳнат қилувчилар аввалгидек буюртма асосида эмас, балки қанча кўп меҳнат қилишса, шунга яраша ҳақ олишади.**

**Яна бир қувончли томони — яқинда такси парк жамоаси 34 та «Доган» автомобилига эга бўлди. Айни пайтда эса шаҳар кўчаларида мазкур такси паркнинг 307 та енгил автомашинаси аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.**

**СУРАТДА: ушбу такси паркда 22 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган Достон Маҳкамовни кўриб турибсиз.**

### ТАХТАКЎПИРДА ГАЗ БОРМАГАН ХОНАДОН ҚОЛМАДИ

***Газли гази Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир тумани шимолий ҳудудлари хўжаликлари ва хонадонларида ҳам ловиллаб ёна бошлади.***

Қурувчилар ўз олдиларига қўйилган вазифани беками-кўст адо этишиб, Газли — Нукус газ йўлининг 33 чақиримлик иккинчи навбатини ишга туширишга муваффақ бўлдилар. Бу билан мазкур йўсин олдиндан мавжуд бўлган Нукус — Чимбой — Тахтакўпир газ тармоғига туташтирилди. Иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик мазкур қурилиш учун нисбатан қисқа— бор-йўғи 10 ойга яқин вақт сарфланганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Истеъмолчиларнинг ҳам қувончи чексиз. Янги газ йўсини 55 атмосфера босимга эга бўлиб, бу олдингига нисбатан 3-4 ҳисса ортиқроқдир.

### ХАРИДОР ТАНЛАБ ОЛАДИ

***Гулистонда ўтказилган навбатдаги кимошди савдосига олти автотранспорт воситаси ҳамда саккизта ер участкаси қўйилди.***

Бошланғич баҳоси 38 минг сўм бўлган тўрт автомобиль 80 минг сўмга сотилди. «ЗИЛ-130» русумли икки автомобиль ва ер участкаларига эса харидор топилмади.

Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Бозор қоидасига кўра, харидор хоҳлаганини харид қилади.

### ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИБОР



**Учқўприк ип йигирув фабрикасида 700 дан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилишади. Фабрика маъмурияти уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Шунингдек, корхона қошида болалар боғчаси, тиббий хизмат хонаси, сауна ишлаб турибди. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилаётганлиги боис меҳнат унумдорлиги ҳам ортиб бормоқда.**

**СУРАТДА: илғор ип йигирувчи Умида Саидова.**

### ОЛИМНИНГ ТЎЙИ

***Термиз давлат университетида таниқли олим ва давлат арбоби Абдусамад Бобохўжаевнинг 90 йиллиги нишонланди.***

А. Бобохўжаев тарих фани ривожига катта ҳисса қўшган илм соҳибларидан эди.

Термиз давлат университети тарих факультетида олим номида стипендия таъсис этилди.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

